СОҚИБУЛБУЛ САВДОЙИ ЭМАС

Ибраҳим Жовлиев
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти
Ibrahim.jovliyev@inbox.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Фолкьлор асарларида, хусусан, “Гўрўғли” туркум достонларида фаол иштирок этувчи образ Соқибулбул ҳақида фикр юритилади. Мақолада Соқибулбул образининг келиб чиқиши, омиллари, достонлардаги вазифаси, Соқибулбул ҳақидаги баъзи тушунчаларга аниқлик киритилади. Бундан ташқари, Соқибулбул образи мисолида чилтонлар ҳақидаги илмий фикрлар айтилади.

Калит сўзлар: Гўрўғли, бахши, соқий, булбул, пир – муршид, чилтон, абдоллар, қутб, сайис, шомон.

ABSTRACT

This article examines the image of Sakibulbul, which is found in folklore works, in particular in the series of epics "Gorogly". The article defines some concepts of origin, factors, functions in the epic of the image of Sakibulbul. In addition, in the example of Sakibulbul, scientific versions about the emergence of chiltans are put forward

Keywords: Gorogly, bakhshi, saki, bulbul (nightingale), pir - murshid, chiltan, abdals, kutb, sayis, shaman.